O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 16 январ сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 11 (2573)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Сиз ва халқингизга Янги йилда бахт ва тинчлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

**Йоханнес РАУ,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Кипр Республикаси Президенти Глафкос Клеридис рафиқаси билан Сизга Янги йилда бахт-саодат тилайдилар.

**Глафкос КЛЕРИДИС,**
**Кипр Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон: ЯНГИ АСР ОДИМЛАРИ

### Сурхондарё

### ЯХШИ ОТГА БИР ҚАМЧИ

Яқинда бўлиб ўтган йиғилишларнинг бирида вилоятга ишчи коржомалари ва ҳатто, қурувчиларнинг иш қўлқоплари четдан келтирилаётгани танқид қилинган эди.

«Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамияти ўринли эътирозни биринчилардан бўлиб эътироф қилди. 8 та тикув машинасини харид қилиб, тикувчилик цехини қурди. 20 та одам ишлайдиган цех корхонанинг 1100 ишчисини махсус кийим-кечак билан таъмин этади ва бошқалардан ҳам буюртмалар қабул қилади.

— Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва кундалик эҳтиёж моллари ишлаб чиқаришни бултургидан икки баравар кўпайтирамиз, — дейди корхона раиси Р. Тожиддинов.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент

### «ЕТТИ ОҚҚУШ»ДАН КЕЙИНГИ НАШР

Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти намуналари немис тилида ҳам нашр этилаётгани кўпчиликка яхши маълум. Айни вақтда немис халқ эртаклари ўзбек тилида алоҳида тўплам ҳолида кўп нусхаларда оммалаштирилди.

Бундай ишни амалга оширишда Тошкент Давлат педагогика университетининг "Герман филологияси" кафедраси мудири, доцент Хуррам Раҳимовнинг бевосита иштироки муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Тилшунос олим тайёрлаган «Етти оққуш» деб номланган тўплам «Чўлпон» нашриёти орқали чоп этилиб, китобхоналарга тақдим этилди.

Шунингдек, Х.Раҳимов мутаржим сифатида кўпгина ўзбек халқ эртакларини олмон тилига таржима қилиб, Германияда чоп эттирди. Унинг германиялик олима Габриелс Келлер билан ижодий ҳамкорлиги ҳам яхши натижалар берди. Шу алоқа туфайли ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг немисча таржималари тайёрланиб, «Самарқанд эртаклари» номи билан янги нашр босмага берилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

### Қорақалпоғистон

### «СУЮН ОТА» СУЮНТИРМОҚДА

Қўнғиротликлар «Суюн ота» хусусий фирмаси маҳсулотларини яхши билишади. Тумандаги кўплаб хонадонларда фирма тайёрлаган ажойиб гиламлар осиғлик турибди.

Эндиликда ана шундай гиламлардан бир қанчасини тошкентлик ва олмаоталик харидорлар ҳам сотиб олишди. Чунки бу гиламларда қорақалпоқ халқ амалий санъатининг энг нозик жиҳатлари ўз жилосини топган.

Хусусий фирма ўз наввойхонасини ишга тушириш арафасида.



Айни чоғда фирма қарамоғида гиламдўзлик шохобчасидан ташқари фотохизмат, пойабзал таъмирлаш устахоналари ишлаб турибди.

**Қ.ЯНГИБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Наманган

### БЕПУЛ МЕҲМОНХОНА

Ҳа, адашмадингиз. Учқўрғон шаҳридаги 5-дори-дармон ҳиссадорлик жамияти марказий шифохона ҳудудида фаолият кўрсатаётган шохобчаси ёнига мўъжазгина меҳмонлар уйи қуриб, савоб ишга қўл урди. Тумaннинг узоқ қишлоқларидан беморни кўриш ёки унга қараш учун келган фуқаролар беминнат хизматдан баҳраманд бўлишаяпти. Шуниси эътиборлики, унда яшаш бепул.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ОҚСАРОЙДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг фахрий профессори унвони берилди.

15 январ куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашув чоғида Москва Давлат университети ректори Виктор Садовничий Давлатимиз раҳбарига мазкур унвон дипломини тантанали равишда топширди. Мамлакатимиз Президенти бу унвонга Ўзбекистон—Россия муносабатларини ҳамда фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун сазовор бўлди.

Ислом Каримов эътирофи ва кўрсатган ҳурмати учун москвалик олимларга миннатдорлик билдирди.

В.Садовничий Ўзбекистонда янги авлод тарбияси, таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар россиялик олимлар, таълим соҳаси мутахассислари томонидан юксак баҳоланаётганини таъкидлади. "Биз сизни келажак авлодлар учун катта ғамхўрликлар қилаётган давлат раҳбари сифатида алоҳида ҳурмат қиламиз, — деди у. — Хусусан, Ўзбекистонда сиз бошчилигингизда ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ҳақиқатан ҳам, катта эътиборга молик ҳужжатдир".

Россиянинг энг йирик ўқув маскани бўлган Москва Давлат университети халқаро майдонда ҳам катта обрў-эътиборга эга. Шу боисдан университетнинг фахрий профессор ёки докторлиги унвони дунё миқёсида обрў қозонган илм-фан, маданият ва сиёсат арбобларига берилади. Мазкур илм даргоҳининг фахрий профессорлари рўйхатида оламга машҳур адиб И.Гёте, Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Ж.Неру, АҚШ Президенти Б.Клинтон, Украина Президенти Л.Кучма каби машҳур шахслар борлиги бунинг ёрқин далилидир.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**Муҳаммад АМИН олган сурат.**

## МУТАНОСИБЛИК

***Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида Умумиқтисодиёт комплекси тармоқларида ана шу хусусият етишмаслиги танқид қилинди***

Аввал хабар қилганимиздек, ўтган ҳафтада Президент ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида Юртбошимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси фаолияти теран таҳлил этилди. Мажлисда ҳар бир масала ниҳоятда кенг қамров майдонида муҳокама қилинди. Тармоқ мутасаддилари олдига аниқ саволлар қўйилди.

Модомики, Умумиқтисодиёт комплекси таркибига 15 та вазирлик ва идора кирар экан, уларни ўзаро боғлаб турган жиҳатлар нима? Мазкур тизимда ишлаётган ходимлар бир-бирларини танишадими? Қандай мақсадлар уларни ягона куч бўлиб ҳаракат қилишга ундаши керак? Ана шундай саволлар олдида мутасаддилар оғиз очолмай қолишди. Маълум бўлишича, тизимда тарқоқлик, идоравий манфаатлар устунлик қилиши каби ҳолатлар оддий воқеликка айланган.

Хўш, бундай вазиятдан чиқиш учун, иқтисодий ислоҳотлар ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни жонлантириш мақсадида нималар қилишимиз керак? Жавоб жуда оддий: бунинг учун оламшумул кашфиёт талаб қилинмайди, балки юксак ривожланган мамлакатлар босиб ўтган йўлга назар ташлаш, уларнинг инсониятга берган тажрибасини ўз шароитимизга мослаб татбиқ этиш зарур. «Туяга миниб, узоқни кўзла» деган

(Давоми 2-бетда).

## Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди

Мамлакатимизда 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Байрам арафасида пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройи одамлар билан ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга вазирлик ва идоралар, қўмита ва ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари, шонли армиямиз жангчилари, уруш ва меҳнат ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, шаҳар жамоатчилиги намояндалари, кўпдан-кўп меҳмонлар ташриф буюрди.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов очди.

(Давоми 3-бетда).

## Қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ўқуви якунланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари, агросаноат соҳасига таллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарлари дастлабки гуруҳи учун ўтказилган бир ҳафталик семинар-мунозара давра суҳбати ва тест синовлари билан якунланди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов Оқсаройда пахтачиликка бағишлаб ўтказилган йиғилишда белгилаб берган вазифалардан, Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қароридан келиб чиққан ҳолда аграр соҳада ягона давлат сиёсати ва стратегиясини изчиллик билан амалга ошириш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини чуқурроқ ўрганиш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, кадрлар тайёрлашни яхшилаш ҳамда соҳа ходимларининг ташкилотчилик, тадбиркорлик ва касбий маҳоратини юксалтириш масалалари юзасидан атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди, бу борадаги тажриба алмашилди.

(Давоми 3-бетда).

## Япониянинг янги гранти

Япония ҳукумати "Озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш" лойиҳаси бўйича Ўзбекистонга 550 миллион иен (тахминан 5,5 миллион АҚШ доллари) миқдорида беғараз молиявий ёрдам ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон Респубикаси Вазирлар Маҳкамасида ушбу грант бўйича Алмашув ноталари имзоланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев ҳамда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси К.Накаяма хоним имзолади.

Япония 1995 йилдан буён Ўзбекистонга "Озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш" лойиҳаси бўйича беғараз ёрдам кўрсатиб келади. Айни пайтда ушбу лойиҳа асосида ажратилган кўмак миқдори 2,6 миллиард иенга (24 миллион доллар) етди. Бу маблағ ғалла ва шоли ўриш комбайнлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олишга сарфланмоқда. Айни пайтда бундай техника Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти далаларида самарали ишлатиляпти. Ўтган йили улар ёрдамида 50 минг гектар майдондаги ғалла ва шоли ўриб-йиғиб олинди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, ушбу грантлар ҳамда уларнинг ҳисобига олиб келинган техникадан қандай фойдаланилаётгани Ўзбекистон ва Япония мутахассислари томонидан мунтазам назорат қилиб борилаётир.

Япония ҳукумати томонидан ажратилган бу галги грант 2001 йилда берилган дастлабки молиявий кўмак бўлиб, ундан мақсад Қорақалпоғистон ва Хоразмда шоли етиштиришни кўпайтиришдир. Ушбу маблағ янги, замонавий қишлоқ хўжалик техникаси — шоли ўриш комбайнлари ва зарур асбоб-ускуналар сотиб олишга ишлатилади.

**(ЎзА)**

## Бу жаҳон XXI айвонида...

### Салвадор

### ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТИДА...

Салвадордаги қутқарув хизмати ходимларининг айтишича, шанба куни бўлиб ўтган зилзила оқибатида 200 нафардан ортиқ киши қурбон бўлган, мингдан зиёд киши бедарак йўқолган. Қутқарувчилар омон қолганларни қидириб топиш учун бор имкониятларни ишга солмоқда. Бироқ ер ковлайдиган машиналарнинг тақчиллиги ишни бироз қийинлаштирмоқда. Кеча эса АҚШ, Мексика, Гватемала, Туркия, Испания каби қатор давлатлар Салвадорга ёрдам кўрсатишларини маълум қилди. Шу ўринда бир мисол: Швейцария суғурта компанияси маълумотига қараганда, ўтган йили дунёда содир бўлган табиий офатлар туфайли 17 мингдан ортиқ одам қурбон бўлган. Унинг дунё иқтисодиётига келтирган зарари эса қарийб қирқ миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

### Тел-Авив

### НАВБАТДАГИ МУЗОКАРА ҚОЛДИРИЛДИ

Ўтган якшанба куни белгиланган Исроил-Фаластин ўртасидаги навбатдаги музокаралар қолдирилди. Маълум бўлишича, Исроил Фаластин мухториятининг бир қатор ҳудудларини қамал қилишни тўхтатиш ҳақидаги ваъдасини бажармаганлиги бунга сабаб бўлган. Ўтган шанба куни Ғазо секторида Исроил собиқ Бош вазири Шимон Перес ва Ёсир Арофат ўртасида бўлиб ўтган икки томонлама мулоқотларда эса Фаластин қочоқларини қайтариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бироқ айни масалада якдил фикрга келинмаган. Ҳозирда Исроилдаги сиёсий вазият ҳам кескин бўлиб турибди. Бош вазир Эҳуд Барак томонидан олиб борилаётган сиёсатга норозилик белгиси сифатида мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Рони Мило истеъфога кетишини маълум қилди. У ўз хатти-ҳаракатларини изоҳлар экан, Исроил фаластинликларга кўп масалаларда ён берганликларини айтиб, шундай қарорга келганлигини айтди.

### Жакарта

### БИТИМ ИМЗОЛАНДИ, ЭНДИ...

Индонезия мудофаа вазири Муҳаммад Маҳфуд мамлакат ҳукумати билан «Ачех озодлиги» ҳаракати ўртасида Женевада бўлиб ўтган тинчлик музокаралари самарали якунланганини маълум қилди.

Томонлар вақтинчалик ўқ отишни тўхтатиш борасида битимга эришди. Энди улар можарони сиёсий йўл билан ҳал қилиш чораларини кўради, деди вазир.

### Лиссабон

### САМПАЯНИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ



Ўтган якшанба куни Португалияда ўтказилган президентлик сайлови мамлакатнинг амалдаги президенти Жорж Сампая ғалабаси билан якун топди. Дастлабки маълумотларга қараганда, у сайловчиларнинг 56 фоизлик овозини олишга муваффақ бўлган. Ж.Сампаянинг асосий рақиби, Социал-демократик партия етакчиси Феррейра ду Амарал 34 фоиз овоз тўплаган. Коммунист Антони Абре эса бор-йўғи 5 фоиз овоз олишга эришган.

### Пекин

### ЮКСАК БАҲО БЕРИЛДИ

Хитой БМТнинг халқаро тинчликпарвар кучлари фаолиятини юқори баҳолайди ва мамлакат ҳарбийлари бундай тадбирларда янада фаолроқ қатнашади, деди мамлакат ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Чжу Банцзао.

Унинг айтишича, Хитой сўнгги йилларда ўтказилган тинчликпарварлик тадбирларга беш юздан ортиқ ҳарбий кузатувчи жўнатди. Шунингдек, БМТнинг Камбожадаги тадбирида эса хитойлик мингга яқин техник хизматчи иштирок этган эди.

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

## Хавфли ўйин

Шундай ҳодисалар бўлади-ки, кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли улар жиддий эътибор талаб қилади.

Баъзан одамлар ўзлари қилаётган хатти-ҳаракатларнинг асл сабаб ва оқибатларини унчалик ҳам чуқур ўйлаб ўтиришмайди.

Жумладан, Қирғизистоннинг Боткен туманидаги Қора-Токайн шаҳарчаси аҳли маҳаллий маъмурият вакиллари иззат-нафсининг касрига қолди, бу эса тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Аҳолининг хабарсизлигидан фойдаланган боткенлик амалдорлар 2001 йилнинг 1 сентябридан қонун томонидан ер хусусий мулк тарзида сотилишини рўкач қилиб, ўзга давлат ҳудудида жойлашган ва илгари мунозарали ҳисобланмаган ер майдонини қайта тақсимлай бошлади.

Улар ҳукуматлараро комиссия томонидан Сўх ҳудудида делимитация бўйича ўтказилаётган ишлардан тўла бохабар бўлгани ҳолда, ўзбошимчалик билан ўзгалар ҳисобидан ўз ҳудудларини кенгайтиришга уриниб кўришди.

Шаҳарча аҳлига Фарғона вилояти Сўх тумани "Ҳушёр" ширкат хўжалиги боғидан ер майдони ажратишни ваъда қилишди ва ўз ваъдаларининг "қонунийлигини" исботлаш учун "Ҳушёр" хўжалигига ўзларининг туман ер ўлчовчиларини юборди. Ер ўлчовчилар эса Ўзбекистон томонидан юридик кучга эга ҳужжатлар йўқлигига умид қилган ҳолда мазкур ер майдонларини ўлчай бошлади.

Кези келганида қайд этиш керакки, ушбу чегаранинг ўтиш чизиғи илгари бир неча бор тасдиқланган эди.

Бу ўринда боткенлик ер ўлчовчилар 1970 йилда Риштон ва Боткен туманлари ижроия қўмиталари ҳамда Фарғона вилояти ижроия қўмитаси қарорига кўра, икки республика хўжаликлари ўртасида амалга оширилган вақтинчалик айирбошлашни рўкач қилиб кўрсатишди. Унга кўра, Ўзбекистон хўжалигига 100 гектарлик яйлов, Қирғизистон томонига 7 гектар боғ ва 20 гектар ўзлаштириладиган ер ижара тарзида фойдаланишга топширилган эди.

Бироқ, 1987 йилнинг 7 майида республикалараро комиссия томонидан боғ майдони Ўзбекистонга қарашли эканини ҳар икки томон яна бир бор эътироф этди.

Боткенлик ер ўлчовчиларга тегишли ҳужжатлар кўрсатилгач, улар ўз хатти-ҳаракатларининг ноқонунийлигини тан олишди.

Воқеанинг ўзигина эмас, балки бу борада маҳаллий маъмурият хатти-ҳаракатида мантиқ йўқлиги кишини ажаблантиради.

Чунончи, Қора-Токайн шаҳарчаси зикр этилган боғдан 8-9 километр узоқликда жойлашган. Бундан ташқари, у ерлик аҳоли орасида ер танқислиги йўқ, ён-атрофдаги ерлар ҳам фойдаланилмасдан ётибди.

Шундай экан, ён-атрофда эгасиз ерлар мавжуд бўла туриб, одамларни шунчалик узоқдан ер олишга ундашнинг нима кераги бор? Бу билан Боткен маъмурияти вазиятни атайлаб кескинлаштиришга интилаяптими? Бундан мақсад нима? Жанжал чиқаришми?

Чегаранинг ҳар икки томонида асрлар оша аҳил яшаб келаётган аҳоли ўртасида чиқиши мумкин бўлган зиддият жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бундай воқеа Франция билан Бельгия ўртасидаги чегарада содир бўлганида бу хатти-ҳаракат мустақил давлат ҳудудига суқилиб кириш сифатида баҳоланган бўлар эди.

Бу ҳодиса маҳаллий ҳокимият томонидан содир этилган ягона ўзбошимчалик эмас.

Маҳаллий маъмурият ўзининг бундай ўзбошимча хатти-ҳаракатлари учун жиддий жазоланиши керак.

Фарғона водийсининг бу ҳудудидан ўтадиган давлат чегарасини ҳар икки мамлакат аҳолисини боғлаб турувчи ер усти алоқа тармоқлари кесиб ўтади. Маҳаллий ҳокимият томонидан чегаранинг ўзбошимчалик билан қайта бўлиб чиқилиши умуман давлат ҳокимияти нуфузига путур етказади.

Ўз чегарасининг ҳуқуқий асосланишига доир ҳужжатларни узоқ вақтдан буён тайёрлай олмаётган қўшни республикага ёрдам бериш мақсадида, Ўзбекистон ҳукумати Қирғизистоннинг собиқ ҳукумати томонидан маъқулланган муросавий қарорини қўллаб-қувватлашни таклиф этди ва қарорни юридик расмийлаштириш ишлари якунланиб қолган эди.

Ҳукумат алмашиши маҳаллий ҳокимият учун аҳоли ўртасида шубҳали усуллар билан, хавфли ўйинларга йўл очиш орқали ўз "обрўсини" ошириш ҳамда музокаралар жараёнини мураккаблаштиришга қулай асос бўлганга ўхшайди.

Ўзларининг маҳаллий сиёсатини юритар экан, улар Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида имзоланган Абадий дўстлик ҳақидаги ва минтақавий хавфсизликни сақлаш тўғрисидаги шартномалар талабларини қўпол равишда бузаётганликларини инобатга олишмаяпти.

Бугунги кунда ҳокимият қўлида бўлган амалдорлар аҳолининг тинч турмуши учун масъулият ўз зиммаларида эканлигини, ўйламай-нетмай қилинган хато учун эртами-кечми жавоб бериш муқаррарлигини унутмаслиги лозим.

Шуни эслатиш жоизки, мамлакатларимиз халқлари неча асрлардан буён аҳил қўшничилик қилиб келади, маҳаллий амалдорлар ўзгариб туради, оддий халқ эса қолаверади.

Айни пайтда бу ҳодиса делимитацияни ҳеч қандай асоссиз, сунъий равишда чўзиб келаётган айрим шахслар учун огоҳлантириш бўлди. Агар ҳукумат миқёсида эришилган келишувлар қисқа муддатда ижро этила бошланса, бундай ўринсиз хатти-ҳаракатларга ҳеч қандай имконият қолмайди.

**М. КОМИЛОВ.**

